

ТОМ МАЪНОДАГИ ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТ

Афғонистонда осуда ҳаёт йўлга қўйилмоқда. Бу — аниқ-равшан ҳақиқат. Бироқ шуни ҳам инкор этиб бўлмайдик, уруш туйғайли ҳароб бўлган бу мамлакатда доимий ва мустаҳкам тинчликка тезда ва осонлик билан эришиш мушкул.

Уринли бир савол туғилади: урушдан кейин ҳаробага айланган Афғонистонни қайта тиклаш замирида нима ётибди ва бошбошдоқлик ҳамда қонунсизлик гирдобига тушиб қолган, тарихан мамлакатни бир неча юз йил орқага суриб ташлаган урушнинг оқибатлари барҳам бериш учун қандай асосий мезонларга риоя этиш керак?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ Бош қотиби Кофи Аннанга йўллаган мурожаати айнан мана шундай ва кенчиктирмай туриб ҳал этишни тақозо этадиган глобал аҳамиятга молик бошқа саволларга ҳам тўла жавоб беради. Ушбу ҳужжат БМТ Бош Ассамблеясининг 56-сессияси ишида иштирок этган делегациялар орасида чоп этилиб тарқатилгани моҳиятан нафақат сессия жараёнидаги асосий воқеа бўлди, балки Афғонистоннинг бундан кейинги қайта барпо этилишида тенг давлатлар орасида тенг ривожланиши масаласида асосий белгилувчи омил бўлди.

Мурожаатда давлатимиз раҳбарининг чуқур амалиётчилиги ва бу масаланинг барча қонунсизлик гирдобига теран аниқлаш ақлол қўрилиши тўғрисида баробарида истаган пайтда Афғонистоннинг ички-дорида портлаб юборилган мулкни бўлган хавфнинг асосий ядросини аниқлаш юзасидан Президентнинг таҳлилий ҳулосалари аниқ асослар билан ифодаланган ҳам.

Мурожаатнинг қимматлиги шундаки, у Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга йўналтирилган дастлабки қадамларни ақс эттирадиган узиға хос дастурий ҳужжат бўлиб қолди.

Давлатимиз раҳбарининг Афғонистонда айна вақтда ўрнатилган тинчликнинг бой берилишига йўл қўймаслигининг асосий шарти сифатида мазкур мамлакатда узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган қурол-яроғни қисқартириш ва қуролсизлантириш борасидаги ташаббуси афғон муаммосини ҳал этиш йўлини излаётган дунё жамоатчилиги учун том маънода аниқлиги бўлди.

Дарҳақиқат, агар мамлакатда йиғилиб қолган катта микдордаги қурол-яроғлар бу ерда исталган вақтда этник ва диний кўринишдаги уруш механизмини ишга тушириб юборса, ўрнатилган тинчлик қанчага тушади?

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки қўрларидан минтақавий хавфсизликни таъминлашда афғон муаммосини ҳал этиш глобал ва устувор вазифа эканлигини айтган Президентимиз яна бир бор бу давлатда нима учун уруш алангаси ҳамон сўнмапти ва унинг асосий ўчоғи нимада, деган саволга тўла-тўқис жавоб берди.

Давлатимиз раҳбари бир неча йил олдин биринчилардан бўлиб БМТ минбаридан туриб Афғонистонга қурол-яроғ қиритишни таъқиқлаш лозимлиги ғоясини илгари сургани каби, бу сафар ҳам ташаббуси ўз қўлига олди ва миллионлаб кишиларга аниқ тушунтириб берди. «қурол-яроғдан холи бўлган Бетараф Афғонистонни яратиш келажакда янги ички қуроли қарама-қаршиликларнинг вужудга келиши ҳамда қалқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдиднинг қайта пайдо бўлиши аҳтимоли олдини олади».

Аслам АҚБАРОВ, «Жаҳон» АА шарҳловчиси.

Йўғоқлик

ДУНЁ ТИՇ БЎЛСАГИНА, БИЗ ТИՇ ЯШАЙМИЗ

Оммавий ахборот воситалари жамият ҳаётида жуда муҳим ўрин тутади, деб кўп айтаман. Шундай дейишга деймиз-у, лекин аксарият ҳолларда бу гапнинг маъноси чақармаймиз. Юзак муносабатда бўлганимиз. Нима демоқчиман? Агар матбуот бўлмаса, Ўзбекистон Президентининг дунёда тинчликни сақлаш, терроризмдек офатга қарши қандай курашиш, қолаверса, Афғонистонда урушдан кейинги ҳаётини тизиб тузиш борасидаги амалий тақдир билардим?

Туриси, шу хабарни эшитган, таъсирланиб кетдим. Узоқни кўра билардим, доно сўзсизнинг давлатлари этиб боргани қандай яхши.

Ўзбекистон раҳбари дунёнинг глобал муаммоси қилиб кўтарилган масалалар, нари борса, Марказий Осиёнинг ички ташвиш, деб қараганда 11 сентябрь воқеаларидан кейин сессияни кетганини кўз олдимдан ўтказаяман. Пишиб этилган жараёнга жиддий аҳамият бермасликнинг оқибати шундай бўлади. Фақат сессиянинг

нинг ўзи билан олам гулистон бўлса қанибди?! Қанчалар қанча бегуно инсонларнинг қурбон бўлиши, жароҳатланиши... Шунинг учун ҳам Юртбошимизнинг ташаббуслари озгина кечиктириб амалга ошмаётган бўлса ҳам, ҳали айтганимдай, бундан фақат қувонмоқ керак.

Хизмат юзасидан нуруний отахонлар билан тез-тез гаплашиб тураман. Уларнинг бари салом-алиқдан сўнг «Илоҳим, тинчлик бўлсин!», деб дуо қилидилар. Бу олдий одатга айланган. Аммо шу уруфнинг тағиди гап маъно мужассам. Қачонлардир бизга мўъжизакор бўлиб кўринган XXI асрнинг иккинчи йилга қадар қўятган айна кунларда бу ҳақиқатни янада теранроқ аниқлашимиз, дунё англапоти. Халқимизнинг маслағи ҳам, тилағи ҳам тинчлик. Ўзбекистон нуқтани назари баён этилган ёзма мурожаат заминда ҳам ана шу гоё ётибди. Эндиги гап унинг моҳиятини тўри тушуниб, Ўзбекистоннинг тинчлик учун узатган қўлига вақтида қўл беришда қолди.

Жалол МУЯТДИНОВ, «Нуруний» жағморатининг Қорақалпоғистон бўлими раиси, «Эларт ҳурмати» ордени соҳиби.



2001 йил 27 декабрь пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 263-264 (2825-2826)

Ўзбекистон — келажаги буюқ давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Навойи шахридаги «Навойи-азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси мамлакатимиз кимё санаятидаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда жамоада 260 хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Яқинда бу ерда каустик сода тайёрлайдиган корхона фойдаланишга топширилди.



КИМЁГАРЛАР ИБРАТИ

Бирлашмада иш намуна-ли ташкил этилганлиги, имкониятлардан оқилона фойдаланилганлиги боис ҳар доим йиллик режалар ортиси билан удаланмоқда. Масалан, жорий йилда 6300 тонна нитрон толаси, 470 тонна метанол, 1000 тонна укесе кислотаси ва 900 минг тонна аммиак селитраси ишлаб чиқарилди. Жамоа маҳсулотларига талаб ҳам ошиб бормоқда. Айни пайтда улар Венгрия, Покистон, Ироқ, Туркия, Ҳиндистон, Афғонистон, Белорус, Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон каби 20 дан ортиқ мамлакатларга жўнатиляпти.



Собир ЗУФАРОВ (Ўза) олган суратлар.



СУРАТЛАРДА: жамоа аъзоларидан бир гуруҳи ишдан қайтмоқда; пешқадим ишчи Жамолдин Нурмухамедов; марказий пулт оператори Нолира Мирзаева.

ЎЗБЕКИСТОН—УКРАИНА: АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Украинанинг мамлакатимиздаги элчихонасида йил якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муқтор элчиси А.Касяненко биринчи стратегик ҳамкор сановчи икки мамлакатнинг бугунги алоқаларига атрафдола тўхталар экан, жумладан, шундай деди: — Сўнгги пайтда Ўзбекистон—Украина алоқалари янада мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида қайд этмоқчиман. Сўнгги янгиликлар орасида Тошкент ва Харьков вилоятлари ўртасида яқин минтақавий ҳамкорлик муносабатлари йўлга қўйилгани эътиборга моликлар. Шунингдек, «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компанияси ҳамда «Украина нефтгаз» миллий акционерлик компанияси ва бошқа муассасалар ўртасидаги бевосита алоқалар ўзаро ҳамкорлик ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Табирида мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми йилдан йилга ўсиб бораётгани қайд этилди. 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 332 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ўн бир ойида 350 миллионга етди. (Ўза).

ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санаяти қилиш масаласи бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ўринбосарлари, ҳудудий комиссиялар, деҳқон-фермер хўжалиқларининг ҳудудий уюшмалари раҳбарлари, туманлар ҳокимлари ҳамда санаяти қилинётган хўжалиқларнинг ташки бошқарувчилари иштирок этди.

Мажлисида 2001 йилда санаяти қилинётган 211 та қишлоқ хўжалиги корхонасининг молиявий-хўжалик фаолияти якуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги 2000 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини санаяти қилиш якуни ва 2001 йилда уни ташкил этиш чора-тадбирлари ўртасидаги қарорига мувофиқ 52 та қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалиқлари айлантириш натижалари кўриб чиқилди. Тасдиқланган бизнес-режаларга мувофиқ, 2001 йилда санаяти қилинётган қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаётганлар сонини меъёрий даражага етказиш бўйича ташкилий чоралар амалга оширилган, газ, сув, электр энергияси учун тўловларнинг бевосита абонентлик тўловига ўтказиш ишлари бажарилган, боғлар, узумзорлар, фермаларни ижарага бериш бўйича аввал тузилган шартномалар санаяти қилинётган хўжалиқлар фойдасига қайта кўриб чиқилиб, дебиторлик қараларни ундириш ҳисобидан хўжалиқларга 1,7 миллиард сўм қайтарилган.

Йил якунига қўра, 91 та хўжалиқ қишлоқ хўжалиги йилини фойда билан ишхонали қўрилмоқда, давлатга дон сотиш бўйича шартномавий мажбуриятларни 116 та хўжалиқ, пахта сотиш бўйича эса 70 та хўжалиқ бажариб, пахта ҳосилдорлиги ўртача 11 центнердан 17 центнерга оширилди, ундан олдингари яқин 20,3 миллиард сўми ташкил қилди. Тошкент, Фарғона, Навойи, Сурхондарё вилоятларидаги санаяти қилинётган хўжалиқлар галла ва пахта ҳосилдорлигини ошириш

лик бўйича эса 1,4 центнерга ошди, бу эса уларнинг молиявий аҳолини анча яхшилаб олиш имконини берди. Агар қайта ташкил этилган хўжалиқларда 2000 йилда қўрилган зарарлар 1,1 миллиард сўми ташкил этган бўлса, 2001 йилда улар негизда янги ташкил этилган фермер хўжалиқларида 0,3 миллиард сўм микдорда даромад олинган.

Шунингдек, жойларда янги ташкил этилган фермер хўжалиқлари фаолияти самардорлигини ошириш учун зарур бўлган инфрақурилишлар шакллантирилди, яъни 43 та мини-банк, 47 та нефть маҳсулотлари билан, 49 та минерал ўғитлар билан таъминланган пункт, 38 та муқобил машина-трактор парк, 36 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил этилди.

Комиссия томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 2002 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий соғломлаштириш бўйича тақлифлари кўриб чиқилди ва ушбу тақлифларни таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш учун махсус ишчи гуруҳи ташкил этилди. Мазкур ишчи гуруҳига киритилган тақлифларни жорий йилда хўжалиқларини молиявий ва ишлаб чиқариш фаолияти, уларнинг истиқболлиги, маҳаллий табиий-иқлим шартини, меҳнат жамоаларининг фикрлари, шунингдек, кейинчалик Ҳукуматга тақдим этиш мақсадида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилган чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда танқидий жиҳатдан таҳлил қилиш тавсия этилди.

Шунингдек, мажлисида комиссиянинг 2002 йилги иш режаси кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирли ўринбосари Т.Холтоев қатнашди ва сўзга чиқди. (Ўза).

Олий Мажлисида

Маълумотларга қараганда, Тошкент вилоятида 2000 йилда 54 та монополист корхона фаолият юритган. Утган тўққиз ой ичида эса уларнинг сони 2 тага камайган. Олий Мажлисининг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик фермер-хўжалиқларида монополистик фаолиятни келтириб ташлаш ва рақобат тўғрисидаги Қонуннинг Тошкент вилоятидаги ижроси муҳокама қилинган кечаги йиғилишида ана шундай рақам тилга олинди. Хўш, бу камми ёки кўп? Тўғри, ўтган йилда вилоятда монополистик корхоналар 228 та маҳсулот ва хизмат тури бўйича усту мавқега эгаллик қилган бўлса, тўққиз ойдан кейин 69 тага камайган. Лекин бу рақамлар бугунги кунга нечоғли мос ва хос. Чунки йиғилишда кўп бор таъкидлангандек, муайян соҳада токи соғлом рақобат шаклланимас экан, ўша соҳанинг тарққий этиши ҳақида бир нима дейиш қийин. Соғлом

МОНОПОЛИСТ КОРХОНА ИККИТАГА КАМАЙДИ. БУ КЎПМИ ЁКИ...?

Тошкент вилоятида ҳам кўп бор қайд қилинган. Масалан, шу йилнинг 9 ойи мобайнида 13 та хўжалик субъекти ўзининг монополистик мавқеини суниётмақ қилган. Бундай ҳол кўпроқ шартнома-лар тузиш жараёнида рўй берапти. Содакор қилиб айтганда, монополист шартнома тузиш жараёнида барча хўжалик субъектларига бир кўз билан қарамайпти. Шу йилнинг 9 ойи ичида 7 та акциядорлик корхоналарида жамият раисини тайинлашда юқори ташкилотларнинг ноҳилис ва ноқонуний аралашуви кузатишган. Бу, албатта, амалдаги қонуннинг 7-моддасига нисбатан зид ҳолатдир. Яна бир жиҳат шундан иборатки, жойлардаги бошқарув органлари қабул қилаётган қарор ва фармойишларда айрим хўжалик субъектларига устулик ёки ноқонуний қўрсатмалар берилгани аниқланган. Бу ҳам амалдаги қонунга ноумувофиқдир. Қолаверса, бундай ҳолатлар вилоятда 87 бор қайд қилинган анча ташвишланарлиқлар.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ислохотларни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш бўйича муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан вилоят ҳокими С.Хусенов маъруза қилди. Маърузачи ва музокарада сўзга чиққанлар шу йилнинг ўтган даврида ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, санаят, қурилиш, ижтимоий соҳаларда муайян ютуқлар қўлга киритилганини таъкидладилар. Вилоятда яқин ички маҳсулот ҳажми, аҳолига пулди хизмат кўрсатиш даражаси ўтган йилга нисбатан ўси. «Бандлик-2001», «Она ва бола», «Мелiorация ва ирригация», «Қалар билан ишлаш», «Пахтачилик ва галлачиликни ривожлантириш тажриба мактаби» каби 20 дан ортиқ дастурлар ҳаётга таъбиқ этилиб, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ислохотларни чуқурлаштириш борасида ижобий ўзгаришларга эришилди. Шу билан бирга, вилоятда ечимини кутаётган муаммолар

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

- ГФР халққаро аэропортларида АҚШга умқоқчи бўлган йўловчиларни назоратдан ўтказишни янада кучайтирди. Улар янги тартибга мувофиқ, оёқ кийимларини ечиб рентгендан ўтказишни учун топширилари шарт. Юк халталардаги оёқ кийимлари ҳам қаттиқ назоратдан ўтказилди. Франкфурт шаҳри чегара хизмати вакилларининг хабар беришича, бу ҳақда ГФР ИИВ томонидан махсус буйруқ қабул қилинган.
- Покистон махсус хизмати «Жоши ва Муҳаммад» экстремистик гуруҳининг раҳнамоси Масуд Ахзорни қўлга олди.
- Покистон АРР агентлигининг маълумотиға қўра, Азхор Панжоб ҳудудида қўлга олинган. Бу террорчининг Ҳиндистон томони ҳам 13 декабрда парламента қилинган қуролини ҳужумдан кейин қидирётган эди. («ИТАР-ТАСС»)
- Россия ҳарбий прокуратураси ходимлари «Курск» сувости команосининг учинчи бўлимини текширувдан ўтказиб, яна бир денгизчи-нинг жасадини топилган. Бу ҳақда кеча Шимолий флот ҳарбий прокурори Владимир Мушо хабар қилди. Бу сув ости комасидан топилган атиш тўққизинчи жасад
- Бразилия пойтахти Рио-де-Жанейрода узоқ давом этган жаладан кейин ҳосил бўлган тошқин натижасида 45

- бўлиб, улардан 73 тасининг шахси аниқланган, дейилди «Интерфакс» хабариди.
- Малайзия юк комасида ишлаётган бешта хитойлик фуқаро сешанба кунги газдан заҳарланиш натижасида ҳалок бўлишган, яна биттаси оғир аҳволда шифохонага келтирилган. Паган штати полицияси ҳозир бу муҳим воқеа сабабларини ўрганишга киришди, дейилди «Франс-Пресс» ахборотида.
- Тез ёрдам хизмати вакиллари Москвадаги қаттиқ совуқлар натижасида ўтган кунги 3 киши ҳалок бўлганини маълум қилишди. Яна 44 киши қаттиқ совуқ оқибатида шифохонага келтирилган. Қиш масуми бошланганидан буюн ноубуд бўлганларнинг сони 250 тага етди. («Интерфакс»).
- «Интернет» хабарлари асосида Салим ДОНИЕРОВ тайёрлади.

ТАБИАТНИ АСРАШ — БАРЧАНИНГ БУРЧИ

Истиқлол туйғайли юртимизда она замин, унинг ер усти ва ер ости бойлиқларини асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш борасида миллий ва умумбаъшарий қадриятларга асосланган сўбсат юритилга бошланди. Шу боис Бош Қонунимизда атраф муҳит муҳофазасининг энг муҳим масалалари аниқ-равшан белгилаб берилган. Бу юртимизда атраф муҳит муҳофазасини юксак талаблар даражасида сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тошкент давлат юридик институтида Ил-пунининг Нағоя университетини олимлари иштирокида ўтган «Ўзбекистонда экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари» мавзундаги

анжуманида ана шу ҳақда гап борди. Анжуманида таъкидлангандек, бугунги кунда юзага келаятган экологик муаммоларнинг кўлами жамиятда экологик ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришни тақозо этмоқда. Сўзга чиққанлар бу борда тегишли қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, фуқароларни, айниқса, ёшларни юртимиз бебаҳо табиий бойлиқларини асраб-авайлаш, она табиатни муҳофиза қилишда бевосита иштирок этиш, уни эъзозлаш руҳида тарбиялаш зарурлигини эътиборни қаратди. **Норгул АБДУРАИМОВА, Ўза мухбири.**

Сенинг имкониятларинг бу, Ўзбекистон!

Пахта Ўрта ер денгизи соҳиллари, Яқин Шарқ ва Кичик Осиёга Марказий Осиёнинг қоқ маркази — айнан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан тарқалган.

Ислом КАРИМОВ.

шишларига туртки берди. Айниқса, йил якунига қўра, акциядорларга дивидендлар берилмаётгани уларни янада фидокорона ишлашга рабатлантирмоқда.

етиштириш ҳажмлари тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, тайёрланаётган пахта сифати ва миқдорини, ундан жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технология тартибига риоя қилишни назорат этиш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда, уларни замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта жи-

Шу мақсадда 1992 йилдан бошлаб республикамизда босқичма-босқич равишда ҳамма турдаги пахта маҳсулотларига миллий стандартлар жорий қилинди. Бир йил ўтган эса, ГОСТ 3279-76 — «Пахта толаси. Техник шартнолар» ўрнига республика стандарти, яъни УЗРСТ 604-93 — «Пахта толаси. Техник шартнолар» амалиётга киритилди.

Бунинг афзаллиги шуки, эскича усулда ишлаш селекционер ва ишлаб чиқарувчиларни толаси йўғон, шу билан бирга, дағал пахта навларини яратиш ва етиштиришга мажбур этарди. Хорижда эса бундай толага харидор кам, шу боис унинг нархини пасайтиришга уриниш ҳоллари учради.

Янги меъёрлар, шубҳасиз, пахта ва тола assortиментини яхшилаш имконини берди. Уларни жорий қилиш туфайли пахта ва толаннинг биринчи навлари салмоғи 31,5 фоиздан 57,8-60 фоизгача кўпайди. Натижада ҳосилни тайёрлов пунктларига топиришни, тола ички бозорда ва хорижда сотиш нархлари оширилиб, уларнинг рақобатбардорлиги кучайтирилди.

Пахтани сотишда, шунингдек, мамлакатимиз манфаатини ишончли тарзда ҳимоялаш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 20 мартдаги қарорига қўра, Ўзбекистон «Сифат» маркази очилди. Маҳсулотни ортишдан олдин уни сертификатлашга ихтисослашган марказнинг вилоятлардаги лабораториялари замонавий, жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган НВИ тизимлари билан жиҳозланган бўлиб, улар Халқаро Тикланниш ва тараққиёт банки томонидан молиялаштирилмоқда.

1993 йилдан бошлаб эса толаннинг ташқи кўриниши эталонлари Ливерпуль ва Бремен пахта биржаларида рўйхатга олинмоқда. Бу хорижий фирмаларга пахтаимиз билан яқиндан танишиш ва шартнома муносабатларини ўрнатилда қўлайлик яратмоқда.

Яна бир янгиллик шуки, ҳукуматимиз қарорига асосан, толаи экспортга чиқаришни тезлаштириш учун Сирдарё ва Бухоро вилоятларида пахта терминаллари ташкил қилинди. Бундай терминаллари Наманган ва Қашқадарё вилоятларида ҳам очил кўзда тутилган. Келажакда экспортга мўлжалланган жами тола, «Франко-омбор» шартларида белгиланганидек, улар оққали жўнатилади. Тола учун ҳақ эса терминал ombорининг маълумотномасига асосан шу захотиёқ туланади.

Президентимизнинг шу йил 11 июндаги «Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эса, айниқса, соҳага эътибор янада кучайтиришга йўналтирилган бўлади.

Маъмур Фармон мамлакатимиз иқтисодиётининг

корхоналарига кўмаклашиш унинг асосий вазифалари этиб белгилади. 2001 йил ҳосилдан бошлаб эса худудий акциядорлик бирлашмалари зиммасига солиқ «Ўзпахтасаноат» давлат акциядорлик уюшмасининг контрактация шартномалари, шунингдек, экспортга ва ички бозорда пахта маҳсулотлари етказиб бериш шартномаларини тузиш ва ижросини таъминлаш, ҳўжаликларга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш, ҳақиқий тайёрланган ва қайта ишланган пахта миқдорига қўра, улар билан якуний ҳисоб-китоб ўтказишни назорат қилиш каби муҳим вазифалар юклатилди.

Шу мақсадда уларнинг тузилмасидаги барча хизматлар доираси кенгайтирилиб, янги Пахта ва пахта маҳсулотлари контрактацияси ва ҳисоб-китоб маркази ташкил этилди. Айни кунларда бу бўлинмаларни малакали ва тажрибали мутахассислар билан таъминлаш, қарорда кўрсатиб ўтилган механизмнинг узлуксиз ишлаб кетиши учун ушма мутахассисларни худудий бирлашмаларга бориб, амалий ёрдам беришмоқда.

4. ИСТИҚБОЛ БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

«Эртани ўйлаш олам ободлигининг боисидир», деган эди Фитрат. Шу маънода, ушма жамоаси ҳам истиқболни кўзлаган ҳолда юртимиз ободлигини ва ҳалқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида астойдил меҳнат қилимоқда. Шу билан бирга, мавжуд муаммоларга ечим топиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ҳам белгиланмоқда. Дарвоқе, муаммолар нималардан иборат? Пахтани қайта ишлашда нафақат сифатли тола олиш, ҳатто унинг чигити ва чиқиндиларидан ҳалқ эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш, корхоналар акциядорлигини бир қисминини халқаро қўймақли қоғозлар бозорига чиқариш, мавжуд заводларни техник жиҳатдан қуrollантиришни тугаллаш, минтақалар бўйича ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштиришни тартибга солиш,

1. ЧАНОҚ-ФАВВОРА

Бундан ўн йил аввал Тошкентга келган одам бугун бу шаҳарни танимаслиги, жилла курси, унинг кўчаларида адашиб қолши мўқаррар. Негаки, ўтган қисқа давр мобайнида пойтахтимизнинг қиёфаси, кўрку латофати бутунлай ўзгариб кетди. Аммо шаҳарнинг қоқ марказида бир бино борки, уни ҳамон кўнчилик яхши эслайди. Гап буюк бобокалонимиз, шеърятимиз сўлтони Алишер Навоийнинг муборак номи билан аталувчи ўзбек давлат академик Катта театрининг маҳобатли кошонаси ҳақида кетмоқда.

Ушбу ноёб санъат қасри Тошкентнинг бир кўзи бўлса, театр майдонидagi мўъжизавий фаввора эса айни шу кўзга мос узук: иккаласини айрича тасаввур эта олмайсиз. Зеро, уларни ҳақиқий меъморчилик асарига менгзаса арийди.

Илгари мен бу сайилгоҳда дам олувчилар ва меҳмонлар кўп бўлишининг боисини фақатгина шунга йўрдим. Лекин бир воқеа сабаб бўлди-ю, фикрим тамомила ўзгарди.

Уша ёз кунин ҳам майдон ёшу қари билан гавжум эди. Кечки пайт эмасми, неон чироқлари ён-атрофини чаророн қилиб турар, фаввора етти рангда ажиб товланар, унинг эпкинни турфа гуллар атрини саҳийлик билан сочарди. Биз, яъни мен ва Бешариқ туманидаги «Намуна» ширкат ҳўжалигининг фермери Мамажон Халиқов (у пойтахтга катта йиғинга келгани) бошқар қатори ана шу феуенкор манзарани томоша қилиб, бу йилги гўзанинг аҳоли, пахтакор меҳнати, «оқ олтин» қари хусусида гурунлашиб ўтирардик.

— Пахта — сермеҳнат экин, — дерди сўхбатдошим донишмандона фикр юритиб. — Бироқ бизнинг ризку рўзимиз ҳам, кундалик ҳаётимиз ҳам, шўхрат тожимиз ҳам, мамлакатимизнинг обрў-эътибори ҳам шу хомашеданки, уни «оқ олтин» деб улдулашимизнинг сабаби шунда. Бунинг исботи сифатида эса, биласизми, ҳатто халқимиз водийда, Марказий Фарғона чўлининг «Оқ уй» деган масканида пахта чаноқи шарафига ҳайкал ўрнатган. Энди эътибор беринг: қаршимиздаги фаввора нима учун гўзал, бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Сабаби аён: у пахта чаноқи шаклида қурилган. Қаранг, чаноқдан дурдона ҳализюмон тошиб кетаман, деб турибми... Мен ҳар гал Тошкентда бўлганимда, албатта, шу ерга келиб, чаноқ-фаввора билан бир дам «сўхбат» қураман. Дехқон пахтаэсиз, айниқса, пахта даласисиз туролмайди.

Ноғоҳ унинг сўзини бир

дан беҳабар бўлса керак, таажуб ва ҳайратини мурғак қалбига синдирилмас эди.

— Боланинг ҳозирги ҳолатини тушунаман, — деди Мамажон ака бирдан таъсирланиб. — Биласизми, мени бошқа бир нарса, яъни гарчи ҳали жуда ёш бўлса-да, унинг «пахта» деган каломини меҳр билан ифодаланиш мўмкун эритиб юборди. Бизда чақалоқнинг тили «она» ва «пахта» сўзлари билан чиқади, дейишларининг тасдиғи эмасми бу?

Пахта! У ҳақда ўйласам, Мамажон аканинг энтиккан ҳолати, болақайнинг таажуб ва ҳайратга тўла чеҳраси кўз олдимда гавдаланади, гавдаланаверади. Шунда бу чаноқ-фаввора нима учун одамларни ўз бағрига бамисоли оҳанрабодек тортишининг сабабини чуқурроқ англагандай бўламан. Ва ҳаёлимда бошқа, бундан-да теранроқ далиллар жонланади.

2. ТАРИХ ШАҲОДАТИ

Пахта! Маълумотларда ёзилишича, ҳозир дунёда 90 дан ортик мамлакатда, жами 33 миллион гектар майдонда гўза ўстирилади, 110 тадан зиёд давлатда пахтани қайта ишлашдан олинандиган маҳсулотлардан фойдаланилади. Қўҳна тарих яна бир далилдан шаҳодат беради. Унда қайд этилишича, бизнинг ота-боболаримиз юзлаб йиллардан буён ерга чигит экиб, пахта етиштириб келадилар. 1996 йилда Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг 55-йили мажлиси республикамиз пойтахти — Тошкентга ўтказилгани бу тарихий ҳақиқатнинг ёрқин эътирофи бўлди. Юртбошимиз ана шу нуфузли анжуманда сўзлаган нутқда гурурга тўлиб, ифтихор ила мана бу сўзларни баралла айтди: «Пахта Ўрта ер денгизи соҳиллари, Яқин Шарқ ва Кичик Осиёга Марказий Осиёнинг қоқ маркази — айнан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан тарқалган».

Бугунги кунда қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати, йил — ўн икки ой давом этадиган тинимсиз савй-ҳаракатларининг меvasи бўлиши пахтаимиз Европада ва Жануби-Шарқий Осиёда етиштирилган тола билан бемалол рақобат қилмоқда. У ҳатто Америка Қўшма Штатлари бозорига ҳам кириб борди.

Аммо бунга эришиш осон кечмади, албатта.

3. ИСЛОҲОТНИНГ ШАҲДАМ ҚАДАМЛАРИ ЗАРБИ

Энди қуйидаги мисолларга диққат қилинг: Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёда етакчи тўрт давлатдан бири бўлиб, пахта толаси экспортни ҳажми бўйича эса иккинчи ўринда туради. Шундай бўлса-да, шўрларча замонида мамла-

казнинг газнасини тўлдиришга сарфланарди. Худди ўтмиш кўшиқларида куйланганидек, ниҳоятда инжиқ, парвариши қийин экин — гўзани ўстириш, яъни пахта етиштиришнинг машаққатли меҳнати — ўзбекларники, ҳузур эса бошқаларники эди.

Советлар даврида, шунингдек, республикамизнинг бошқа саноат тармоқлари каби, пахта тозалаш тизими ҳам марказдан юборилган буйруқлар, йўл-йўриқлар асосида фаолият кўрсатарди. Ҳатто пахтани қайта иш-


лашдан олинандиган маҳсулотларининг чиқиш меъёрлари, уларнинг сифатини белгиловчи стандартлар ўша жойда тасдиқлангани учун, пахта ва толаннинг ифосидик ҳамда намлик даражасини, толаннинг навига бўлган талаблар фақат Россия тўқимачилик корхоналарининг манфаатларини кўзларди.

Фақат шунгина эмас. Пахта толасини сотиш масаласида ҳам юқоридикидек аҳвол ҳукмон эди. Пахтакорлар тугул хомашёни тозаловчилар ҳам ишлаб чиқаришдан толаннинг қарға, кимга ва қанчадан сотилганидан беҳабар қолардилар.

Ачинарлиси, ўтган асрнинг 80-йиллари охирига келиб, мавжуд пахта заводларидagi технологик машина-ускуналарнинг 30 фоиздан кўпроғи манъан ва жисмонан эскирган эди. Оқибатда сифатсиз пахта маҳсулоти ишлаб чиқарили, унинг стандартлари жаҳон бозорининг талабларига жавоб бермас эди.

Одамнинг кўнглини хира тортириб, диққатини оширадиган бундай ноҳус манзарани эслашдан мўддао шуки, истиқлол туфайлигина халқимиз йиллар давомида «оқ олтин» дея ардоқлаб келаётган ўз пахтаэсига ўзи эгаллик қилаётганини таъкидлаб ўтишди, ўн йилдирики, жаҳон бозорига истеъмолчиларни ўзимиз танлаш ва пахтаимизни ҳақиқий қийматида сотиш ҳуқуқидан эмин-эркин фойдаланаётганимизни, ўтган даврда соҳада амалга оширилган пахтаимизнинг зарбининг ҳаммага яна бир қарра эшиттириб қуйишди. Зеро, ана шу шаҳдам қадамларнинг зарби бутун бутун дунёда акс садо бераёттир.

Табий, савол туғилади: ана шу ўзгаришларга дастлабки қадам қачон қўйилган эди? Юқорида айтилганидек, мамлакатимизда мустақилликка эришилгач, Президентимиз раҳамолитида соҳада мавжуд кескин номутаносиб-



йўлидан бордик. Айни чола бу корхоналарнинг барчаси илғор технологиялар билан жиҳозланганига, уларда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, республикамизда бир йилда етиштирилдиган пахта ҳажми ўртача 3,5-3,9 миллион тоннани ташкил этиши ҳисобга олинди, Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш акциядорлик уюшмаси фаолияти ҳам янада такомиллаштирил-

ПАХТАМИЗ = БЕБАҲО ҲАЗИНАМИЗ

Бу гал республикамиз иқтисодиётининг яна бир етакчи юрмиги — пахта тозалаш саноати тизими ҳақида сўз тормоқчимиз. Маълумки, биз бебаҳо ҳазина деб атаган пахтани қўли қадоқ деҳқонларимиз пешона тери эвазига етиштирдилар. Уни қайта ишлаш эса «Ўзпахтасаноат» уюшмаси жамоасининг зиммасидадир.

Маъмур пахта саноати тизими қудратли, кенг тармоқли инфратузилма саналади. Бу соҳада ҳар йили юз миңлаб кишиларимиз бонд бўлишлари билан бирга, мамлакатимиз валютга тушумининг кўп қисми унинг ҳиссасига тўғри келади. Булар нима дегани?

Авалло, бир йилда республикамизда шунча одам пахта шарафати туфайли ўз ризқини топмоқда, оиласини боқиб, рўзгорини тездайтипти. Иккинчидан, бир тонна пахтадан ўртача 320 килограмм тола, 550 килограмм чигит олинади. Ана шу миқдордаги толадан 30 турдан зиёд, чигитдан эса 45 хил маҳсулот (112 килограмм ёғ, 270 килограмм кунжаора, 170 килограмм шелуха, 15 килограмм совун, 8 килограмм лент ва бошқалар) тайёрланади. Бундан ташқари, гўзанинг барги, посси ва пўстлогидан ҳам саноат усулида 100 хилдан ортик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Мисол учун, 4 миллион тонна пахта хирмони уйилди, дейлик. Бу — 24 миллионлик нуфуснинг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи таъминланди, ортикчаси экспорт ҳисобига миллиордлаб доллар келтирди, деганидир. Ҳазинамизда валюта захираси қанчаллик кўп бўлса, давлатимиз иқтисодиёти шунчалик қудратли, халқимиз турмуши эса янада фаровон бўлиши ҳаммага аён. Шунинг учун Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ қишлоқ ҳўжалиги, шу жумладан, пахтачиллик, пахта тозалаш саноати устувор йўналишлардан бири этиб белгиланди. Шу мақсадда иқтисодий ислохотлар ҳам айни шу тармоқлардан бошланди. Бу қандай самаралар бермоқда? Ушбу саволга жавоб беришдан аввал, келинг, бир воқеа тафсилоти билан танишилик.

